

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мадина БАРАТОВА

Олий Мажлис Қонунчилик

Болалар ҳар бир оила, миллат ва ҳар қандай жамият келажагининг эгаларидир. Шундай экан, уларнинг жисмонан ва руҳан соғлом бўлиб вояга етиши, интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашининг кенглиги ҳар қандай давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда 1992 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1989 йил 20 ноябрда қабул қилинган “**Болалар ҳуқуқлари тўғрисида**”ги Конвенциянинг ратификация қилиниши болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мақомини шакллантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистон халқаро конвенция қоидалари ва принципларига риоя этиш, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий қонунчилик тизимини такомиллаштириш бўйича мажбуриятларни ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида жавобгарлик масаласини ўз зиммасига олди.

Шу билан бир қаторда, миллий қонунчилик бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштирилди. Ўткан давр ичида “**Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикасининг **Қонуни** қабул қилинди ва мазкур қонун бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини белгилаб берди.

Мамлакатимизда бу йўналишда ўтган йилларда изчил чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда жамиятимизнинг бошқа соҳалари каби бу жабҳадаги ишлар ҳам янги босқичга кўтарилди.

Хусусан, мамлакатимизда болалар ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш, уларнинг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрнини топишларига муносиб шароит яратиш борасида ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтирилиши, васийликни белгилаш тизимининг ислоҳ қилиниши, болалар меҳнатининг барча шаклларида воз кечилиши, мактабгача таълим ташкилотлари ва қамров даражасининг ўсиши, инклюзив таълим ва унга инфраструктуранинг мослаштирилиши, болалар жамоат ташкилотлари ва лидерлик қобилиятларининг қўллаб-қувватланиши бунинг яққол мисолидир.

Мазкур ислоҳотларни тизимли амалга ошириш, болаларнинг қонуний манфаатларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормаларни ишлаб чиқишда Конституциямиз асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг қатор нормалари боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилганлигини эътироф этиш лозим. Хусусан, бош қомусимизнинг **44-моддасида** Болалар меҳнатининг боланинг соғлигига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсиқлик қилувчи ҳар қандай шакллари таъқиқланиши белгиланган.

Мамлакатимиз раҳбарининг сиёсий иродалари ва узоқни кўзлаб килинган адолатли қарорлари натижасида аввало болаларнинг хавфсиз ва сифатли ҳаёт кечиришига эришилди, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий мувозанати таъминланди, таълим, тиббиёт, давлат хизматларида сифат ошди,

мамлакатга инвестицияларни жалб қилишда ва Ўзбекистоннинг халқаро миқёсидаги имижининг ортишига ижобий таъсир кўрсатди.

Мазкур норманинг Конституция даражасида белгиланиши ҳамда салбий ҳолатларга йўл қўйганлик учун Жиноят Кодексидаги жавобгарликнинг кучайтирилиши давлатнинг бу борадаги қатъий сиёсати ва ортга қайтмас позициясини кўрсатади.

Шунингдек, Конституциямизнинг “Оила, болалар ва ёшлар”га оид алоҳида бобининг 77-ҳамда 78-моддаларида боланинг энг устун манфаатларини таъминлашда ота-она ва давлатнинг мажбуриятлари белгилаб берилди.

Хусусан, **77-моддада** ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етқунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари конституцион норма сифатида белгиланди.

Мазкур норманинг қатъийлаштирилиш зарурати шундан иборатки, бугунги кунда айрим ота-оналар томонидан ўз фарзандларини ташлаб кетиш, уларнинг ҳолидан хабар олмаслик ва ота-оналикнинг бошқа мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари учрамоқда. Бундай ҳоллар боланинг маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида бўшлиқнинг пайдо бўлишига олиб келади ва бу боланинг бутун умри давомида ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Мазкур норма орқали ота-оналарнинг оила ва фарзандлар олдидаги дахлдорлик асоси кучайтирилди.

78-моддада эса давлатнинг боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт шaroитларни яратиш борасидаги мажбуриятлари белгиланган. Бу эса, болалар учун зарур инфратузилма, хавфсиз ва замонавий муҳит яратилишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 29 майдаги “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига асосан мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясининг ташкилий ва институционал асослари янада мустаҳкамланди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, унинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари белгиланди.

Бугунги кунда дунёнинг 80га яқин мамлакатларида Болалар омбудсмани фаолият юритади. Уларнинг асосий вазифаси “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция қоидаларини қонунчиликка татбиқ этиш, боланинг шахси, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатлари ҳимоясига бутун жамият ва давлатни фаол жалб этишдан иборат.

Болалар ҳуқуқлари бўйича Омбудсман ёки вакил лавозими биринчи бўлиб Норвегияда 1982 йилда таъсис этилган. Швецияда эса бундай институт 1993 йилда фаолият бошлаган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб

мамлакатларида болалар бўйича Омбудсман институти фаолият кўрсатмоқда. Жумладан Европада (Австрия, Белгия, Германия, Дания, Исландия, Испания, Люксембург, Россия, Норвегия, Финляндия, Швеция) ва Лотин Америкасида (Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Перу), шунингдек Канада, Исроил ва Янги Зеландияда. Болалар учун омбудсман институти ва унинг яратилиши мамлакатимизнинг БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини назорат қилишнинг ажралмас қисмидир.

Кўпгина хорижий мамлакатларда Болалар омбудсмани фаолияти махсус қонунлар билан тартибга солинади (Полша - 2000 йил 6 январдаги "Бола ҳуқуқлари бўйича омбудсман тўғрисида"; Ирландия - "Болалар бўйича омбудсман тўғрисида" (2002); Франция - "Бола ҳимоячиси тўғрисида" 2000 йил 6 март; Швеция - 1993 йил 1 июлдаги "Болалар омбудсмани тўғрисида"ги қонун; Литва - 2000 йил 25 майдаги "Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш назорати тўғрисида"ги қонунлар).

Мамлакатимизда **“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунга асосан ҳозирда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил (Болалар омбудсмани) томонидан болаларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриб келинмоқда.

Тадқиқотларга кўра, турли хил зўравонликлар келгусида болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, **“Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимояланиши**

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни болалар манфаатларини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Айрим ҳолларда ижтимоий тармоқлар орқали бевосита болаларнинг тарбиясига масъул бўлган “катталар” томонидан уларнинг ҳаётига, хавфсизлигига, жисмоний ва руҳий оламига тазйиқлар ва зўравонликлар содир этаётганларидан хабар топамиз. Бу каби ҳолатларни олдини олиш учун таълим даргоҳлари ходимлари ва ўқитувчилари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини самарали ташкил этиш лозим.

Бу борада, зўравонликка учраши эҳтимоли бўлган “хавф гуруҳи”га мансуб болалар ҳаётини алоҳида кузатиб бориш, таълим муассасаларида болалар билан бевосита иш олиб борувчи ходимларнинг психо-эмоционал ҳолатини текшириб, ишга тавсия этиш, болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик учун жавобгарликнинг қатъий эканлигини оммалаштиришга эътибор қаратиш лозим.

Болалар ҳуқуқларига оид мазкур қонунчилик ҳужжатлари фарзандларимизнинг ижтимоий, маънавий ва ахлоқий фаровонлиги, жисмоний ва руҳий соғлом бўлиб ривожланиши учун давлат ва жамият ролини мустаҳкамлашда, шунингдек, уларнинг бой ва тарихий қадриятлар, юксак инсоний фазилатлар асосида камол топиши учун ҳуқуқий замин яратади.